O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ХДР O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 7-sentabr • Seshanba • 107 (31.227) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА ДАСТЛАБКИ БЕШ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

■ 2010 йил август ойининг охирида, Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида электроника, автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчи, полимер ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган бешта корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дастлабки бешликка рақамли телевидение учун йилига 50 минг дона приёмник ишлаб чиқарадиган «Telecom Innovations» қўшма корхонаси ҳам киради. Ушбу корхона «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва Сингапурнинг «Servetechno Pte.Ltd» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 миллион долларни ташкил қилади. Янги корхона 30 нафардан ортиқ ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Уларнинг аксарияти маҳаллий касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Шунингдек, полиэтилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарадиган яна икки завод ҳам ишга тушди. «Полиэтилен қувурлари» корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача бўлган 8,6 минг тонна полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда қарийб 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, унинг экспорт ҳажми 5,9 миллион доллардан ошади. Йилига 2300 погон километр қувватга эга «Полипропилен қувурлари» корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача бўлган полипропилен қувурлар ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллион долларни ташкил қилади. Корхона 40 нафардан ортиқ ёш мутахассисни, хусусан, маҳаллий касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади. Бу ерда келгусида 50 фоизгача бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Куч — билим ва тафаккурда

XXI аср даҳолари Ўзбекистонда улгаймоқда

■ ...Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

2000-2010 йилларда мамлакатимиз мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида 80 та медалга эгалик қилишган.

Буларнинг 6 таси олтин, 14 таси кумуш, 60 таси эса бронза медалидир.

Хусусан, кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган.

→4

Қонуний ваколат ва имконият →2
Зил-зила давом этмоқда →3
Кураш — жаҳон элчиси →4

Мустақиллик майдони, унинг марказидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, атрофдаги бинолар ўз улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухородаги меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Ўзбеклар меҳмондўст, ширинсухан, бағрикенг ва саховатли халқ. Файзли юртингизда киши ўзини хотиржам ва бахтиёр ҳис этади. Шу боис бу муқаддас диёрни қайта-қайта кўргим келаверади».

Дипти КАМБАМПАТИ хоним (Ҳиндистон)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Ким эдик, ким бўлдик...

Президент Ислом Каримовнинг Мустақиллик байрамидаги табрик сўзини тинглаб...

Зиёвиддин МАНСУРОВ, *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.*

■ Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Президентимизнинг табрик сўзи кўпчилик қатори менинг қалбимда ҳам фахр-ифтихор уйғотди ва эртанги кунга ишонч, улкан масъулият туйғусини янада мустаҳкамлади.

«Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик».

Дарҳақиқат, мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлар, ёвуз ва қонли хуружлар озмунча бўлдими? Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган вақтларда пешволик даъвосида кўкрагига ўриб ваъзхонлик қилган бузғунчиларни кўрдик. Қанча таҳдидларни енгиб ўтдик. Бунинг барчаси халқимизнинг қатъият ва матонат билан юритилган одилона сиёсат атрофида жипс бўлиб, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик дея узоқни кўзлаб интилиши маҳсулидир.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаб, ўзига хос ва ўзига мос юксалиш йўлидан бораётгани «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг бахт-саодати учун», — деган тамойилнинг ҳосиласидир. Айнан шу тамойил ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муттасил ўсишни таъминламоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек:

«...ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда. Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда».

Жаҳоннинг юксак тараққий этган давлатларининг етакчи иқтисодчи ва социологлари томонидан Ўзбекистон мисолида Инқирозга қарши чоралар дастурининг самараси ўрганилиши бежиз эмас. Бу борада қўлга киритилган натижа ва тажриба ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Табрик сўзида келтирилган 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимиз ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисобланганда 2,5 баравар ошгани, ўртача ойлик иш ҳақи эса тахминан 14 баробар кўпайиши ҳақидаги мулоҳазалардан кўнгиллар қувонди, чеҳралар яшнади.

Президент табриги мустақилликдан олдинги ва кейинги ҳаётимизни онгли идрок этишимизга яна бир омил бўлди. Шу билан бирга, тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдек эзгу мақсад йўлларини янада ойдинлаштирди. Бу даъват ҳар биримизнинг қалбимизда акс-садо бериб, шу юрт, эл манфаати йўлида астойдил хизмат қилишга ундайди.

Бутунжаҳон яккакураш ўйинларида юртимиз спортчилари ИККИТА ОЛТИН, БИТТА КУМУШ *медаль билан тақдирланди*

■ Пекинда ўтказилган мусобақага дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан энг сара спортчилар, яъни камида қитъа чемпиони бўлган яккакурашчилар таклиф этилди.

63,5 кг вазн тоифасида мусобақага киришган муайтайчимиз Фирдавс Холмуродов кумуш медаль билан тақдирланди.

Самбонинг 68 кг вазн тоифасида қатнашган Дамир Муҳидов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, юртимизга биринчи олтин медални тақдим этди.

Жамоадошининг ғолиблик анъанасини давом эттирган Акобир Қурбонов 90 кг вазн тоифасида барча рақибларидан устун келиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Юртимиз спортчилари иккита олтин ва битта кумуш медаллари билан Бутунжаҳон яккакураш ўйинларида умумжамоа ҳисобида 11-ўринни эгаллашди.

Асрорбек МЎМИНОВ

ОБ-ҲАВО 07-08.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	35°C	37°C
Самарқанд	36°C	37°C
Нукус	36°C	38°C
Қарши	38°C	40°C
Урганч	37°C	38°C
Навоий	36°C	38°C
Фарғона	36°C	37°C
Бухоро	36°C	38°C
Андижон	36°C	37°C
Наманган	36°C	37°C
Термиз	39°C	40°C
Жиззах	36°C	37°C
Гулистон	36°C	37°C
Тошкент вил.	36°C	37°C
Лондон	20°C	22°C
Париж	23°C	22°C
Москва	16°C	16°C
Мадрид	25°C	23°C
Пекин	27°C	28°C
Гонгконг	29°C	31°C
Рим	27°C	26°C
Анқара	28°C	30°C
Токио	35°C	34°C
Стокгольм	16°C	15°C
Кейптаун	22°C	24°C
Қоҳира	20°C	21°C
Гавана	32°C	30°C
Вашингтон	29°C	29°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1482,58	1 Миср фунти	283,50	1 СДР	2449,04	10 Жанубий Корея вони	13,80
1 Англия фунт стерлинги	2501,13	1 Канада доллари	1557,97	1 Туркия лираси	1079,36	10 Япония иенаси	191,63
1 БАА дирҳами	440,12	1 Хитой юани	238,15	1 Швейцария франки	1592,04	1 Россия рубли	52,66
1 АҚШ доллари	1616,24	1 Малайзия рингити	519,36	1 Евро	2060,67	1 Украина гривнаси	204,64

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Қонуний ваколат ва имконият

депутатлар улардан тўғри фойдаланишлари зарур

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

■ Халқ депутатлари Пскент туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатларнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси, депутатлик ваколати асосида электорат манфаатини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари таҳлил қилинди.

— Депутатлар ўзларига берилган қонуний ваколат ва имкониятлардан тўғри фойдаланиши керак, — деди депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Комилова. — Қонун ва дастурлар ижросини таъминлашда депутат масъулияти муҳим. Унинг ташаббускорлиги аҳоли фаоллигининг янада кучайишига таъсир қилади. Шу тариқа, кучли жамоатчилик назорати юзага келади.

Йиғилишда туман Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялари мажлислари ишини такомиллаштириш, партиямиз мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқадиган аниқ йўналишдаги масалаларни кун тартибига киритиш ҳақида келишиб олинди.

Тадбирда вилоят Кенгаши депутати Саврон Мирзаев ҳам иштирок этиб, депутатлар фаолияти самарасини оширишда вилоят ҳамда туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Баъзан учраб турадиган муаммоларни жойида ҳал қилиш юзасидан ўринли таклифлар билдирди.

(Ўз мухбиримиз.)

«...сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.»

ЎзХДП ҳаётидан

Бешариқ туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти аъзолари туман ҳокимлиги, корхона, ташкилотлар ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш масаласида қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. Натижада йил бошидан буён касаначилик асосида хотин-қизлар учун қўшимча 140 та иш ўрни яратилди. Жойларда миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш ҳисобига эса 170 нафардан зиёд хотин-қизлар доимий меҳнатга жалб қилинди.

❖❖❖

Жиззах вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Бугунги кунда хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Жиззах вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Мўътабар Каримова. — Айниқса, улар давлат ҳокимияти вакиллик органлари, идора ва ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Бу борада партиямиз, хусусан, «Фаол аёллар» қаноти масъулияти ва зиммасига тушадиган ишларни янада жонлантириш лозим.

Тадбирда, шунингдек, хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллаши, доимий меҳнат билан бандлиги каби масалалар партия ташкилотларининг доимий эътиборида бўлиши зарурлиги ҳақида фикр алмашилди.

❖❖❖

Янгиариқ туман партия кенгаши ташаббуси билан Остона қишлоғида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ёшларнинг ҳар томонлама билимли ва маънавиятли бўлишлари учун оилада, маҳаллада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оила, маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

❖❖❖

Чирчиқ шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Унда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Чирчиқ шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, олиб борилаётган ислоҳотларда партиямиз фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — деди Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев. — Айниқса, ҳудуддан сайланган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ҳамда Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлари шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тадбирда электоратимиз вакиллари ва бир гуруҳ партия фаолларининг хизматлари тақдирланиб, Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари, ЎзХДП сафига қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолининг электрон реестрини яратишга оид фаолиятини такомиллаштириш, Тошкент шаҳар Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали «Ягона ойна» — давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрда қабул қилинган «ZiyoNet» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси, «Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очиқ калитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида»ги низом ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматларини кўрсатиш талабларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолининг электрон реестрини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ва вазифалар тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда илк бор Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали «Ягона ойна» — давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси амалга оширилганлиги ва ушбу марказ орқали фуқароларга қатор енгилликлар яратилганлиги таъкидланди ҳамда бундай марказларни юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам очиш масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги «ZiyoNet» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича тегишли вазирлик ва идораларда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА)

Пахта — 2010

■ Бундай йилни деҳқонлар «Йил яраши», дейишади. Ҳақиқатан ҳам бу йил воҳа фермерлари учун ҳосил йили бўляпти. Ҳар туп ғўзада 50-60 донадан кўсак пишиб етилди. Яна тугаётган кўсаклар бор. Ҳосилни чамалаб кўриб, «Кўз тегмасин!» деб қўяман. Бунинг ўзи бўлмади, албатта. Ғўза ниҳолларига йил — ўн икки ой меҳримизни берганимиз, қишнинг чилласидан буён дала бошидалигимиз эвазига берилаётган сийлов — мукофот бу!

Пахта йили бўлди



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

82 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Буғдой ҳосили ҳам кўнгилдагидек бўлди. Шартномавий режадан ортганини ишчи-хизматчиларга тарқатдик. Омборимизда қолгани қанча?

Полиз ва сабзавотни эл дастурхонига бутун ёз давомида етказиб беряпмиз.

Қирқ гектар майдонга «Хоразм — 127» навли чигит экканди. Ёз иссиқ келди, ғўза етарлича ҳарорат олди. Сув мўл бўлди. Табиат деҳқонга қайишди. Ишловни ўз вақтида бердик. Минерал ва маҳаллий ўғит меъёрида ғўзаларга солинди. Суғоришдан ҳам қолдирмадик. Айниқса, саратон чилласида тунги суғоришни жорий қилганимиз ҳосил нишоналари тўкилиши олдини олди.

Августнинг биринчи ярмиданоқ пишиб етилган кўсаклар очила бошлади. Бугун қийғос очилган пахталарга қараб кўзим қувнайди. Бу барчаси бободеҳқоннинг қаттиқ меҳнати ва пешона тери эвазига яратилганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Сифатли, тош босадиган пахтамизнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмаймиз.

Фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган ўттиз нафар аъзонинг кайфияти юқори. Иш унуми салмоқли. Ахир қирқ гектар майдонда 150 тонна юқори сифатли пахта ҳосили етиштиришга ахд қилганмиз. Ҳосил чўғи эса бундан ҳам кўпроқ пахта етиштиришимиз мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу эса қўшимча даромад дегани. Режамизга кўра, бу йил соф даромадни ўтган йилгидан икки карра кўпроқ оламиз. Бу эса фермер хўжалигимиз аъзоларининг бой-бадавлат яшашлари кафолатидир.

Султонбой ПОЛВОНОВ,
Урганч туманидаги «Паҳлавон» фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, ЎзХДП аъзоси.

«Баркамол авлод маркази» иш бошлади

Ёзёвон туман марказида йиғилганларнинг қувончи ичига сиғмасди. Негаки, «Баркамол авлод маркази» очилишини кўпдан орзиқиб кутар эдилар. Қолаверса, уни шу эл фарзанди, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Маҳмуджон Матқосимов ўз маблағи ҳисобига қурган...

— Мамлакатимизда саховатли, юрт ободлигига ўз ҳиссасини қўшаётган кишилар тобора кўпайиб бормоқда. Улар сафида Маҳмуджон Матқосимовнинг ҳам ўз ўрни бор, — деди тантанада сўзга чиққан Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Мансуров.

Маҳмуджон Матқосимов ташкил этган «Келажак» хусусий корхонаси ва фермер хўжалигида юзга яқин ёзёвонликлар меҳнат қилмоқда. Жамоа даромадидан қишлоқларининг ободончилигига сарфладилар. Маҳмуджон Матқосимов барпо этган муҳташам ёшлар марказида бичиш-тикиш хоналари, 20 та иш ўрнига эга тикувчилик цехи, яна 5 та чевар меҳнат қилаётган эркаклар кийимлари тикиш бўлинмаси, интернет кафе, ёшлар учун никоҳ кунини нишонлаш заллари, дам олиш маскани, ошхона, бир қатор савдо шохобчалари яхлит мажмуани ташкил этган.

— Маҳмуджон Матқосимов халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида фаол иштирок этиб, дастурий вазифаларни адо этишга қаратилган қарорлар ташаббускори бўлмоқда, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Сожида Абдусаматова. — Унинг таклифи билан туман бюджетидан ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағ самарали сарфланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанимга хизмат қиламан!

Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган сурат.

■ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирган курсантлар қасамёд қабул қилдилар. Тантанали маросимда Ички ишлар вазирлиги вакиллари, олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари, курсантлар ва ота-оналар иштирок этишди.

— Ватанга садоқат билан хизмат қилишга сўз бераётган мард ва жасур ўғлонларнинг кўтаринки кайфияти, ўзига ишончи баландлигини кўриб, юрт тинчлиги ва осойишталиги ҳимояси ишончли қўлларда эканидан кўнглинг хотиржам тортади, — дейди Боёвут туманидан келган Феруза Холиқбердиева. — Ўғлимнинг Ватан ҳимоячилари сафига кираётгани, курсантларнинг бошини баланд кўтариб, халқига содиқ бўлишга қасамёд қилганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

— Халқимиз келажаги ва фаровонлиги йўлида собитмиз, — дейди 1-босқич курсанти Абдулатиф Мамажонов. — Бунинг учун яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, ёнғин хавфсизлиги соҳасида етук мутахассис бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА ДАСТЛАБКИ БЕШ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яна бир янги корхона — «UzEraeCable» қўшма корхонаси «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг «Erae cs Ltd» компанияси томонидан ташкил этилди. Мазкур корхона йилига 150 минг километр автомобиль симларини ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 13,0 миллион долларни ташкил этади. «GM Uzbekistan» заводи учун автомобиль жгутларини ишлаб чиқарадиган «ЎзКоджи» қўшма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг асосий буюртмачисидир. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 20 фоизини General Motorsнинг яқин мамлакатлардаги корхоналарига экспорт қилиш кўзда тутилган.

«AgroFresh» корхонаси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига киради. Ушбу янги корхона «Markazsanoateksport» ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Kefayat General Trading Co» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали бошқариладиган, Италиянинг музлатиш ускуналари билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча ишлаб чиқариш корхоналари замонавий, юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси 2008 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан замонавий юқори технологияли корхоналарни ишга туширишга, саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси корхоналарнинг асосий фаолияти этиб қуйидаги йўналишлар белгиланган: автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали ускуналар, инновация технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритадиган резидентлар учун мисли кўрилмаган қулай имтиёз ва преференциялар белгиланган. Бу деярли солиқсиз, имтиёзли валюта режими, шунингдек, чет эллик ходимларнинг мазкур зонада бўлишининг соддалаштирилган тартибни ўз ичига олади.

Бугунги кунда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун тайёр ҳолга келтирилган, барча муҳандислик коммуникациялари (ичимлик ва техник сув, канализация, электр энергияси, табиий газ, телефон тармоқлари, автомобиль ва темир йўллари) қуриб битказилган.

Маъмурий, банк-молия ва бошқа тегишли хизматларни кўрсатиш учун маъмурий ва молиявий марказ бинолари қурилган. Импорт ва экспорт маҳсулотларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун божхона постининг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ҳозирги кунда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида энергия тежайдиган лампалар, LCD мониторлар, электрон газ ҳисоблагичлари, тайёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва «GM Uzbekistan» корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

(ЎзА)

Тошкент — менинг муҳаббатимсан!

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Ҳавонинг мўъжизасини кўринг, кўз илғамаса ҳам бутун мавжудотга ҳаёт бахш этади. Нурнинг мўъжизасини кўринг, сояда қолиб сарғайган ўсимликларнинг рангига ранг киритади. Сувнинг мўъжизасини кўринг, қақроқ жойларни чаманзорга айлантиради. Замин мўъжизасини кўринг, кичкинагина данақдан улкан дарахтни пайдо қилади. Тошкент ҳам ҳаво, нур, сув ва заминдай мўъжизакор шаҳар. Унинг ҳавоси бағридаги ҳар бир инсон умр дарахтини ўстиради. Унинг зиёси чеккада қолиб сарғайган юзларга ранг бағишлайди. Унинг суви жон томирларда оби ҳаёт бўлиб оқади. Унинг қутлуғ заминида мурғак орзулар улғаяди, яратувчанлик, бунёдкорлик шижоатига айланади.



Бу мўъжизакор шаҳарга келганимда кўнглимда бир дунё орзу-ҳавас, қўлимда китоб-дафтар солинган жомадон ва мактабни тугатганлигим тўғрисидаги аттестат бор эди, холос. «Самарқанд» автобекатидан 7-трамвайнинг орқа вагонига ўтириб эски шаҳарга йўл олдим. Қирқ йил илгари кўрган Тошкент манзараси ҳамон ёдимда. Лекин таассуротларимни ёзганим билан кўпчилик ёшлар ишонмаса керак. Ахир, мана бу равон кўча эгри-бугри йўлаклар эди, мана бу кўп қаватли уйлар ўрнида пастқам кулбалар бўларди, «Жар» спорт мажмуи қурилган жой кимсасиз жар, одамлар бу ердан кундузлари ҳам ўтишга қўрқарди десам, қайси ёш ишонарди?

Яна ўша 7-трамвайда университетга бордим. Университет биноси жуда баланд кўринганди. Чунки ҳозир бино билан бўйлашган дарахтлар ҳали экилмаганди ёки ниҳол эди. Ҳозир мен ҳашарларда ўзимиз университет ҳовлисига эккан дарахтларга завқ билан тикиламан. Университетнинг орқасидаги бир-биридан кўркам факультетлар ўрни боғ, ҳовли, техника университетининг ўрни каттароқ ҳовуз, муҳташам «Ёшлик» спорт мажмуи ўрни тақир майдон эди десам, ишонармикинсиз ёшлар?

Кечки бўлимга ўқишга кирганим учун қурилиш бошқармасига ишга қабул қилишди. Шаҳарнинг барча бурчакларидаги қурилиш объектларида ишладим. Юнусобод туманининг темир йўлдан кейинги қисми, Роҳат кўлига бораверишдаги чап томон, Сирғали тумани, ўзим яшаётган Алгоритм даҳаси каби жойлар дала эди. Транспорт қатнови ёмон бўлгани учун у жойларга бориб ишлаш, кечқурун ўқишга етиб келиш осон эмасди. Лекин иш баҳона шаҳардаги қурилиш ишларига гувоҳ бўлдим.

Давлат Мустақиллиги эълон қилинган йил илмий-ижодий ташкилотлардан газета таҳририятига ишга ўтдим. Касбим тақозосига кўра, юртимиздаги яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларидан биринчилар қаторида огоҳ бўла бошладим. Мустақил Ўзбекистон Президентининг биринчи Фармони пойтахтимиздаги бош майдонни Мустақиллик майдони деб аташ тўғрисида бўлди. Бу мамлакатимизда улкан ўзгаришлар силсиласини бошлаб берди. 28 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий боғида мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросими бўлди. Яқинда зиналардан ям-яшил тепаликдаги улуғ шоир ҳайкали қўйилган шарқона гумбаз томон кўтарилар эканман чор-атрофни кузатдим. Ҳозир бу жойлар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўтган йилларда илонизи кўчалардаги пастқам уйлар ўрнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўк гумбазли биноси, унга туташ кўл, Мустақиллик ва Наврўз байрамлари нишонланадиган очиқ томоша майдони, Ўзбекистон санъати ва маданияти кўргазмаси барпо қилинди.

Йўллар — шаҳарнинг қон томирлари. Эсимда, илгари шаҳарнинг Хадра майдони чорраҳасида ҳам тиғиз пайтда машиналар туриб қоларди. Қишда қор ёққан кунлари машиналар Бўрижар кўпригидан ҳам юқорига кўтарила олмасди. Агар Сағбон кўчасида бирор машина бузилиб қолса, соатлаб ҳаракат тўхтарди. Агар ўша даврда кимдир «ҳали Сағбон кўчасида троллейбус қатнови йўлга қўйилади», деса ҳеч ким ишонмасди. Мустақилликнинг дастлабки йилидан қурувчилар, йўлсозлар Эски шаҳарда бунёдкорлик ишларини бошлашди. Бу йўлсозларнинг бутун шаҳар бўйлаб кўчаларни кенгайтириш, равонлаштириш, йўл ўтказгичлар, кўприклар қуриш ва ер ости йўллари барпо қилиш ишларига уланиб кетди.

Бош лойиҳа асосида мавжуд кўчаларни кенгайтириш, кўприклар қуриш орқали шаҳарда узунлиги 32,2 км Кичик ҳалқа йўли бунёд этилди. Узунлиги 76,7 км га етказилган Катта ҳалқа йўли кенгайтирилиб, қўшимча йўл ўтказгич ва кўприклар қурилиб тугал лойиҳа асосида туташтирилди. Равон йўллар автомобиллар ҳаракатини тартибга солиши билан бирга шаҳар инфратузилмасида туб ўзгаришларга замин яратди. Кўча юзида бирбиридан кўркам бинолар бўй чўзди.

Пойтахтнинг Марказий хиёбонида Мустақиллик байрамининг икки йиллиги арафасида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди. Шу муносабат билан хиёбон тубдан ўзгарди ва атрофида яхлит ансамбль вужудга келтирилди. 1996 йилда хиёбон шимолида муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейи қад ростлади. Тошкент юридик институти биноси таъмирланди. 2008 йилда хиёбон шарқида улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Шарқона меъморий қадриятлар ва замонавий архитектура ютуқларини ўзида мужассам этган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи 2009 йил 1 сентябрь куни очилди ва унда Тошкентнинг 2200 йиллиги санаси тантанали нишонланди. Мазкур бино ёнида Тошкент курантининг эгизаги ҳам қуриб фойдаланишга топширилди. Шундан кейин Амир Темур хиёбонида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилиб, дов-дарахтлари, гулзорлари, майсазорлари, йўлкалари янгиланди. Хиёбоннинг жанубий қисмида архитектура ансамблини тўлдирувчи гўзал бино бунёд этилди.

Тошкент телеминораси яқинидаги қўримсиз ғишт заводи ўрнида 1994 йил 30 май куни «Юнусобод» теннис клубининг очилиши ва унда теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро мусобақаларининг бошланиши нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз спорт ҳаётидаги муҳим воқеалар дебочаси бўлди. Пойтахтимизда кетма-кет замон талабларига жавоб берадиган «Ўзбекистон», «Жар», «Ёшлик», «Универсал», «Чилонзор» каби спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди. Лозаннадаги «Олимпия» музейидан кейин иккинчи ўринда турадиган «Олимпия шон-шухрати музейи» очилди. Мамлакатимиз фахри бўлган «Пахтакор» Марказий стадиони реконструкция қилинди.

Шайх Ҳованди Тоҳур мақбараси ёнидаги фабрика қурилишида қатнашганим учун бу жойларнинг ачинарли аҳволи ҳамон ёдимда. Тарихий обидалар хароба ҳолда ёки умуман бошқа мақсадларда фойдаланиларди. Айнан шу қутлуғ жойда 1997 йилда Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Шу муносабат билан бу қадамжо ҳамма ҳавас қиладиган зиё масканига айланди. Айниқса, икки йил илгари қурилган янги биносини кўрган киши халқимизнинг меъморчилик борасидаги салоҳиятига тасаннолар айтади. Тошкент — ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган 2007 йилда таъмирланган ва янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуаси ҳақида ҳар қанча ёзсак арзийди. Умуман олганда, пойтахтимизда олий ўқув юртлари биноларининг, ривожланган хорижий мамлакатлар нуфузли университетларининг филиалларини кўрган киши ҳайратга тушади. Таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли шаҳардаги мактаблар ҳам кўрк очди, замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари шаҳримиз чиройига чирой қўшди.

Ҳадра майдонида Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йилда Ўзбек Миллий академик драма театрининг муаззам биноси бунёд қилинди. Эндиликда бу бинонинг ёнидан ўтиш ҳам, ичкарига кириш ҳам кишига кўтаринки кайфият бағишлайди. Санъатни юксалтиришга бўлган эътибор туфайли Ўзбекистон Миллий консерваторияси, ихтисослаштирилган мусиқа ўқув юртларининг замонавий бинолари қурилди ва жиҳозланди.

Ўтган йилларни эслар эканман, мустақиллик йилларидагина инсон ва унинг хотираси азиз бўлганига имон келтираман. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, «Мотамсаро она» монументи ва унинг теграсида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз исмишарифлари ёзилган айвонларнинг бунёд этилиши, улар номи билан муассаса ва кўчаларимизнинг номланиши шу озод кунлар келиши учун жонини қурбон қилганлар хотирасини мукаррам айлади.

Албатта, шаҳримизнинг, юртимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони томон ҳар гал қадам ташлар эканман, эзгулик аркасига кўзим тушиши билан қалбимда ғурур-ифтихор уйғонади. Рамзий дарвоза бўлган Эзгулик аркаси, Озод Ватанимиз ва бахтиёр оналаримиз тимсолларини ўзида мужассам этган Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Хотира майдони, Вазирлар Маҳкамасининг кўркам биноси, вазирликлар жойлашган бино, Олий Мажлис Сенатининг биноси, фавворалар, дов-дарахтлар, гулзор-майсазорлар, йўлак-хиёбонлар Мустақиллик майдонимизни дунёдаги энг гўзал майдон дея шарафлашимизга тўла асос беради. Майдондаги Мустақиллик неъматларини кўриб, сўлим ҳавосидан нафас олиб айланган ҳар бир юртдошимиз, қалбида уйғонган ғурур-ифтихордан вужуди эзгулик, яратувчанлик ва бунёдкор туйғуларига тўлиб қайтади, десак сира муболаға эмас.

Менинг ёзганларим бир шингил холос. Албатта, мустақиллик йилларида Тошкентда, юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорликларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналарини кузатар эканман, меҳр-муҳаббатимга айланган Тошкентим ва ўзимнинг ўтган кунларим хаёлимдан ўтди. Ҳаяжон ва ҳавас билан ойдин чироқларда товланаётган шаҳарга, тантаналар масканида ўтирган юртдошларимга қарадим. Улар менга таниш ва азиз. Шоир айтганидай, Тошкентга келиб, Тошкентни, азиз дўстлар, юртдошларимни орттирибман. Бундан қалбим кетма-кет порлаётган мушаклардан ёришаётган Тошкентим осмонидай равшанлашди. Хаёлимда Президентимизнинг тантанали маросимдаги табригида айтган қуйидаги сўзлари қайта жонланди: **«Бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларимдир».**

Асрор МЎМИН

Хорижда

Шаҳарда фавқулодда ҳолат

эълон қилинди



Янги Зеландиянинг иккинчи йирик шаҳри бўлмиш Крайстчерчда кучли зилзила юз бергани боис фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

«AFP» АА маълум қилишича, зилзила эпицентри шаҳардан 30 километр ғарбда қайд этилган. Унинг кучи 7,4 магнитудага тенг бўлган. Шаҳарнинг барча инфратузилмаси бузилиб, ишдан чиққан. Бузилган дўконларни, уйларни талон-торож қилиш ҳолатлари кучайгани боис шаҳар мэри фавқулодда ҳолат эълон қилишга мажбур бўлди.

Шаҳарда 340 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Аммо зилзила қурбонлари ҳақида маълумотлар йўқ. Аввалдан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, ер ости силкиниши туфайли кўрилган иқтисодий зарар 1,44 миллиард долларга бориб қолиши мумкин.

Суд жараёнлари

бошланди

Гватемаланинг собиқ президенти Альфонсо Портильонинг иши юзасидан пойтахт шаҳарда суд жараёнлари бошланди, дея хабар беради «Reuters» АА.

Суд ҳужжатларида қайд этилишича, 2000 йилдан 2004 йилгача мамлакатни бошқарган Альфонсо хорижий ўлкалардан хайрия қилинган ва Гватемала Мудофаа вазирлиги тизими харажатлари учун мўлжалланган 15 миллион АҚШ долларига тенг маблағни Европа ва АҚШ банклари орқали ўзлаштирганликда айбланмоқда.

Маълумки, А.Портильо 2004 йили президентлик курсисидан айрилгач, мамлакатни тарк этган ва Мексикадан бошпана топган. Бироқ Мексика маъмурияти бу сиёсатчини Гватемалага қайтариш тўғрисида қарор қабул қилган ва 2008 йили у мамлакатга қайтарилган.

Дарвоқе, уни АҚШ маъмурияти ҳам суд қилиш учун АҚШ ихтиёрига топширишларини сўраган. Франция маъмурияти эса ўз банклари орқали Гватемалага жўнатган хайрия пуллари Альфонсо томонидан ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилмаганлигини аниқлаш учун текширув ўтказишни бошлади.

Ҳамза тумани Иззат кўчаси 1-муюлиш, 21-уйнинг инвентаризацион иш йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план квартиры, договор купли-продажи по адресу: г. Ташкент, ул. Кадырова, дом 20, квартира 12 на имя Зиётова Рашида Пардаевича считать

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

«Ўзмиллийбанк»: иқтисодиётимизнинг молиявий таянчи

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Президентимизнинг 1991 йил 7 сентябрдаги Фармони билан ташкил қилинган эди

Банк олдига мамлакат компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этишга қодир бўлган жаҳон талаблари даражасидаги молия муассасасини яратиш билан боғлиқ мутлақо янги ҳамда масъулиятли вазифалар қўйилди. Ўтган 19 йил давомида банк жамоаси биринчи бўлиш катта шарафгина эмас, айни пайтда катта меҳнат ва улкан масъулият ҳам эканлигини тўла-тўкис ҳис қилди. Банкда консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, бошқарувнинг энг мақбул механизмлари ҳамда самарали ўсиш стратегияси ишлаб чиқилди. Бундай иш Миллий банкка дадил ва жўшқин ривожланиш ҳамда Мустақилликнинг 19 йиллигини профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида обрў қозонган ҳолда кутиб олиш имконини берди.

Ҳозирги кунда капитали миқдори 721,2 млрд. сўм ва активлари ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил этиб турган «Ўзмиллийбанк» мамлакатимиздаги энг катта ва етакчи банк ҳисобланади.

Миллий банк етакчи молия муассасаси сифтида халқаро даражада тан олинганлигининг далолати Moody's ва Standard and Poor's халқаро агентликлари, шунингдек, Россиянинг энг катта «Эксперт РА» рейтинг агентлигининг рейтинглари берилгани ва бу рейтинглар кейинчалик ҳам тасдиқланганидир.

Ташкил этилган кенг филиаллар тармоғи банкнинг 90 та бўлими ва филиалини ўз ичига олган бўлиб, улар мамлакатнинг барча минтақаларида жойлашган.

Миллий банк жаҳоннинг 75 мамлакатидаги 600 дан зиёд энг катта ва энг нуфузли хорижий молия муассасалари билан алоқа ўрнатган ҳамда улар билан фаол муносабатларни сақлаб турибди. Айни шу сабабли ҳам банк ҳозирги кунда халқаро банк ҳамжамиятида юксак ва мустаҳкам обрў-эътиборга эга.

«Ўзмиллийбанк» ҳозирги кунда мамлакатдаги энг йирик инвестиция банки ҳисобланади. Банк томонидан мамлакат иқтисодиётининг амалда барча етакчи тармоқларига инвестициялар жалб этилаяпти. Мамлакат раҳбарияти «Ўзмиллийбанк» олдига қўйган вазифаларни бажариш мақсадида банк ўзининг бутун куч-ғайратини ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни ишга туширишлойиҳаларини молиялашга йўналтирди.

Президентимизнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони бу соҳада қўйилган муҳим қадам бўлди. Зеро, мазкур фармон ишлаб чиқариш ташкил этилишини такомиллаштиришга, молиявий соғломлаштириш ҳамда барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш мақсадида ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишга қаратилгандир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар янада кўпроқ кириб келишини рағбатлантириш мақсадида банк томонидан иккита шўъба инвестиция компанияси – «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» компаниялари таъсис этилди. Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқариш корхоналари самарали бошқарилишини, уларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, шунингдек, инвесторларни излаб топиш ва уларга шу корхоналарни сотиш юқоридаги компанияларнинг бош вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда банк балансига қабул қилинган 41та корхонада фаолият тикланган ва ишлаб чиқариш бошланган. Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма капитал билан таъминлаш учун 35,3 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ажратилди. Корхоналар 75,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, 28,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни экспорт қилди, 5656та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда қабул қилинган молмулкни потенциал мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан республика иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига кредитлар берилган. Лойиҳаларни молиялаш натижасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкциялаш, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК учун Fарбда ишлаб чиқарилган авиалайнерлар молиявий лизинги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси ва «Ўзсаноатмашимпекс» ДАТСК учун «CASE» компаниясининг қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, Навоий кон-металлургия комбинати учун кон қазиш ускуналари етказиб бериш, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси учун «Даймлер — Крайслер» русумидаги автобусларни сотиб олиш каби бошқа кўплаб лойиҳалар Миллий банк томонидан молияланган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Миллий банк томонидан 2009 йилнинг иккинчи ярми ва 2010 йилнинг 7 ойи мобайнида жами 200 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредит маблағлари ажратилди. Ҳозирги кунда авиакомпания томонидан «А-320-200» русумдаги иккита самолёт қабул қилиб олинди ва ўрта масофали ҳаво йўналишларида фойдаланилмоқда. Шу йил охиригача яна тўртта шундай самолёт етказиб бериш режалаштирилган. Лойиҳа доирасида авиакомпания Миллий банк ёрдамидан фойдаланиб, 2011-2016 йиллар даврида Ғарбда ишлаб чиқарилган яна 10 та самолёт олади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг транспорт коммуникацияларини ривожлантириш мақсадида Миллий банк томонидан умумий кредит эҳтиёжи 70,1 млн. АҚШ доллари бўлган «Хитойда ишлаб чиқарилган 15 та йўловчи электровози сотиб олиш» лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланди. Ушбу лойиҳа доирасида 15 та электровоздан 2 таси муддатидан олдин етказиб берилди.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Миллий банкнинг 19 млн. евро ҳажмидаги кредитини жалб этиб, катта тезликда юрадиган иккита Talgo-250 электропоездини (Испанияда ишлаб чиқарилган) сотиб олиш лойиҳасини амалга ошираяпти. Электропоездлар сотиб олиш орқали Тошкент — Самарқанд участкасида йўловчиларни темир йўлда тезкор ташишга ўтиш режалаштирилмоқда. Бундай қилиниши фаол бизнес алоқаларини, шу жумладан, сайёҳлик соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш, йўловчи ташиш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, шунингдек, йўлга сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини беради.

Хусусан, Миллий банк томонидан «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Навоий иссиқлик электр станциясини модернизациялаш, 478 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини, 313,6 МВт қувватга эга газ-турбина қурилмасини (электр энергияси) ҳамда 164,15 МВт қувватга эга буғ-турбина қурилмасини (иссиқлик энергияси) барпо этиш лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа бўйича 336,7 млн. евро қийматидаги молиялаш ишлари олиб борилаяпти.

Банк Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакент-1», «Улуғнор» ва «Гулбаҳор 1К» насос станцияларини реконструкциялаш лойиҳаларини ҳам молиялашни бошлади. Мазкур лойиҳалар бўйича умумий кредит эҳтиёжи 58,1 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, умумий кредит эҳтиёжи 8,48 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи Марказий Фарғонадаги шудгорланадиган ерларни суғориш тармоғини яхшилаш лойиҳаси молияланмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий бозорларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида Республика ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ҳозир мазкур соҳа мулкдорларнинг ўрта синфини ҳамда кенг меҳнат бозорини вужудга келтиришнинг асосий омили бўлиб турибди, шунингдек, миллионлаб кишилар учун даромад ва фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун Миллий банк ўз имкониятларидангина фойдаланиб қолмасдан, айни пайтда халқаро молия ташкилотларининг маблағларини ҳам жалб этаяпти.

Хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида банк томонидан ҳозирги вақтда умумий қиймати 509,9 млн. АҚШ доллари бўлган 237та лойиҳа маъқулланди. Улар бўйича кредитларнинг умумий суммаси 308,07 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Фақат 2010 йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 27,19 млн. АҚШ доллари бўлган 57та лойиҳа молиялашга қабул қилинди.

Бундан ташқари, Миллий банк миллий валютадаги кредит фаолиятини амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида банк томонидан миллий валютада 184 млрд. сўм ҳажмида кредитлар ажратилди. Шу жумладан, 23,9 млрд. сўмлик 2,7 мингдан кўпроқ микрокредитлар берилди. Ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳозирнинг ўзидаёқ 5,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, айрим хулосаларни чиқарар эканмиз, халқаро даражадаги банк муассасасини ташкил этиш лойиҳаси шак-шубҳасиз муваффақият қозонгани аниқ-равшан бўлиб қолади. Ўтган йилларда банк фаолиятида эришилган натижалар эса мамлакат раҳбариятининг бевосита кўмаги сабаблидир.

Дарҳақиқат, дадил ривожланиб келаётган Миллий банк республикадаги бозор ислоҳотларини фаол амалга оширишда пешқадамлик мавқеини эгаллади ҳамда ҳақли равишда профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида обрў қозонди.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

Куч — билим ва тафаккурда

Маърифатли миллатнинг, билим ва тафаккури шундай қудратли кучга айланадики, дунё бўйлаб акс-садо беради. Ҳайрат бу миллат ўтмишини тафтиш қилади. Дунё илм аҳли ушбу мамлакат ҳақидаги манбаларни излашга, ўрганишга тушади.

Ҳа, буюк ўтмиш, бугунги бедорлик, бунёдкорликлар, изланиш ва истиқлол имкониятлари Ўзбекистонимизнинг келажаги буюклигини англатади. Кўрсатади. Билдиради. Мустақиллик нафақат миллатни қаддини тиклади. Балки унинг руҳини кўтарди, тафаккур оламини осмон қадар юксалтирди. Бугун Ўзбекистон фарзандлари илм-фанда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини, кам бўлмасликларини намоён этмоқда.

XXI аср даҳолари

Ўзбекистонда улғаймоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2000-2010 йилларда мактаб ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида 80 та медалга эгалик қилишган. Буларнинг 6 таси олтин, 14 таси кумуш, 60 таси эса бронза медалидир.

Хусусан, кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган.

Машҳур инглиз олимаси Хилда Хукхем шундай ёзган эди: **«Амир Темурнинг бешигини тебратган заминда, X-XI асрлардаёқ фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, жуғрофия, назм ва тарихнавислик борасида жаҳоншумул асарлар яратилган. Бу беқиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Уйғониш даврига туртки берди ва Европа илм-фани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди».**

Агарда ал-Хоразмийнинг арифметика хусусидаги рисоласи Европада XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, «Диксит Алгоризм», яъни «Ал-Хоразмий дейдики» деб аталгани ёки итальян математиги Кордононинг 1545 йилда чоп этилган «Буюк санъат» асари **«Алгебра деб аталувчи бу санъат Мусо ўғли Муҳаммаддан бошланган»** жумласи билан бошланишини, Аҳмад ал-Фарғонийнинг Испаниянинг Кордова шаҳрида илмий марказ яратгани ва унинг асосида кўҳна қитъадаги дастлабки дорилфунун ташкил қилингани, Беруниийнинг биринчи бўлиб сайёралар орбитасини текширишда дифференциал ҳисоб ғояларидан фойдалнгани ва 22 ёшида дунёдаги илк глобусни яратгани ҳақида ўйлайдиган бўлсак юқоридаги сўзларнинг мазмун-моҳияти янада ойдинлашади.

Ўтган XX асрда ҳам юртимизда аниқ фанлар, хусусан, математика, физика, кимё соҳалари тараққиётига муносиб ҳисса қўшган илм-фан дарғалари етишиб чиқди.Чунончи, атоқли математик олимлар Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сироживиддиновлар пойтахтимизни математик статистика соҳасининг йирик илмий марказларидан бирига айлантирди. Академик Собир Юнусовнинг алколоидлар кимёсини ривожлантиришга оид тадқиқотлари кимё фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Истиқлол туфайли халқимизнинг истеъдодли фарзандлари, ёш иқтидор эгалари ҳам жаҳон минбарларида ўз сўзини айта бошлади. Ёшларимизнинг математика, кимё, физика фанлари бўйича ўтказиладиган халқаро олимпиадалар, конференциялар, симпозиумлар, конгрессларда мунтазам иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келишаётгани фикримиз тасдиғидир.

Сўнгги йилларда мактаб ўқувчилари ўртасидаги халқаро математика олимпиадасида эришилаётган натижаларнинг тобора юксалиб бораётгани кишини қувонтиради. Агар 1997-2003 йилларда Аргентина, Руминия, Жанубий Корея, АҚШ, Шотландия ва Японияда ташкил этилган мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси жами 8 та медаль билан юртимизга қайтган бўлса, 2004-2010 йилларда Греция, Словения, Вьетнам, Испания, Германия ҳамда Қозоғистон олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларимиз 21 та медаллар билан тақдирланди. Айниқса, жорий йилнинг 9-19 июль кунлари Остонада ўтказилган беллашув ўқувчиларимиз учун омадли келди. Жами 6 нафар ёш математикдан иборат терма жамоамиз 4 та кумуш ва 1 та бронза медалига эгалик қилишди.

— 2009 йилда Москва шаҳрида ташкил этилган 5-халқаро МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари олимпиадасида ғолиб бўлган эдим, — **дейди 51-Халқаро математика олимпиадаси кумуш медали соҳиби Умида Жўраева.** — Бу йилги Остона олимпиадасида эса 21 баллик натижа билан иккинчи ўринни қўлга киритдим. Биринчи бўлишим учун 6 балл камлик қилди. Шунингдек, жамоадошларимдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 3 нафар ўқувчиси — Иброҳимбек Акромов, Жаъфар Абдураҳимов, Зариф Ибрагимовлар 96 мамлакатдан келган 517 нафар иштирокчи орасида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Яна бир бронза медали Қоракўл тумани, 52-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси Азиз Назаровга насиб қилди. У 2009 йилда Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган 50-Халқаро математика олимпиадаси ва кейинроқ Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳри мезбонлик қилган математика, физика ва информатика фанларидан Халқаро Жаутиков олимпиадасида кучли учликдан ўрин олган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик ўқувчиларимиз мазкур олимпиаданинг сўнгги 3 йиллик натижаларига кўра, математика йўналишида 3 та кумуш ва 2 та бронза, физика йўналишида эса 1 та кумуш, 1 та бронза медали, шунингдек, 15 та рағбатлантирувчи ўринларни забт этишган.

— Ўқувчиларимиз халқаро математика олимпиадасида 1997 йилдан буён қатнашиб келади, — **дейди Халқаро математика олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати аъзоси, физика-математика фанлари номзоди Шухрат Исмоилов.** — Шу кунгача улар томонидан 8 та кумуш, 21 бронза ва 20 та фахрий диплом қўлга киритилди. Атиги 11 маротаба иштирок этган жамоа учун бу жуда катта кўрсаткич саналади. Мусобақа ташкил этилган 1959 йилдан бери унда қатнашиб келаётган баъзи давлатлар учун бу натижа ҳамон орзу бўлиб қолмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бизда терма жамоа аъзоларининг халқаро математика олимпиадасида муносиб қатнашиши учун махсус тайёргарлик режалари ишлаб чиқилган.

Чунончи, Буюк ипак йўли масофавий олимпиадасида, «Mathematikal Reflektions» (АҚШ), Crux Mathematicorum with Mayhem (Канада), «Квант» (Россия), «Математика, физика ва информатика» (Ўзбекистон) каби интернет журналларида тақдим этиладиган ностандарт масалаларни ечиб, шу орқали ўқувчиларимиз қобилиятини ошириб бормоқдамиз. Халқаро экспертлар фикрига кўра ёшларимизнинг медаль олиш прогресси тобора юқориламоқда.

Бундан ташқари, истеъдодли ўғил-қизларимиз Олма-ота шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиладиган Халқаро математик лойиҳалар танловида мунтазам қатнашиб келади. Чунончи, 2004 ва 2006 йилги мусобақаларда ҳамюртларимиздан Темур ва Руслан Бойбековлар кумуш, Максим Белошкин ҳамда Анастасия Гуковалар бронза медаллари билан тақдирланган эди.

Илм-фан ривожи ўзининг юксак чўққисига кўтарилган даврларда кимё фани билан шуғулланувчи олимлар — алкимёгарлар оддий металларни нодир турга айлантириш устида жуда кўп тадқиқотлар ўтказган. Бутун умрини афсонавий иксир моддасини излашга сарф қилган. Бунга эса «Алкимё» асосчиси Жобир ибн Хайёмнинг металларнинг пайдо бўлишида олтингугурт-симоб назарияси, яъни уларнинг турли хил нисбатларда бирикишидан олтин, кумуш, мис, темир яралиши ҳақидаги нотўғри хулосаси сабаб бўлган. Ўша даврда яшаган Абу Али ибн Сино металлар хусусиятини мукаммал ўрганиб, у ва бошқа алкимёгарларнинг қарашлари хато эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Ватандошимиз оддий металлардан олтин олиб бўлмаслигини биринчи бўлиб исботлади. Олимларнинг фикрича, Ибн Сино ҳозирги замон онорганик кимё фанига асос солган.

Бу манбаларни бежиз кетираётганимиз йўқ. М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик В. Садовничий кимё фанидан навбатдаги 42-Халқаро Менделеев олимпиадасини айнан ибн синолар, беруниийлар улғайган заминда, Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилади. 2008 йил 26 апрель — 4 май кунлари Тошкентда ўтган ёш кимёгарлар халқаро танловида 8 та бронза, 1 та кумуш ва 1 та олтин медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Менделеев олимпиадаси ҳақида қисқача маълумот. Мазкур нуфузли беллашув илк маротаба 1956 йилда Москвада ташкил этилган. 1992 йилда эса мусобақага Халқаро олимпиада мақоми берилган. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур олимпиадада МДҲ ва Европа мамлакатлари вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистонлик ўқувчилар унда 1997 йилдан бери мунтазам равишда қатнашиб келади. Ёш иқтидорларимиз бугунга қадар 1 та олтин, 1 та кумуш, 22 та бронза медаллари ҳамда 8 та рағбатлантирувчи дипломларни қўлга киритган. Жумладан, шу йил Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган 44-Халқаро Менделеев олимпиадасида икки нафар вакилимиз, урганчлик Наврўзбек Жабборов ҳамда самарқандлик Дониёр Насриддиновлар тенгдошлари орасида тенгсиз дея эътироф этилди.

— Олимпиада иштирокчилари бизга ҳавас билан қарашди. Ўзбекистонимиз, мактабларимиз, лицей, коллежларимиз, олий ўқув юртларимиз, Самарқанду, Бухоро, Хива, Қўқон сингари тарихий шаҳарларимиз ҳақида сўраб суриштиришди, — **дейди Дониёр Насриддинов.** — Устозларимнинг меҳнати, фидойилиги туфайли нафақат Республика, балки Халқаро олимпиадада ҳам иштирок этдим. Бокуда мени Москва университетига ўқишга таклиф қилишди. Бироқ мен Ўзбекистон Миллий университетида ўқимоқчиман. Келажакда коллоид-кимё йўналишида илмий иш олиб бориш ниятим бор. Бундан ташқари, Халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган ўқувчилар тайёрлаш ишига ҳисса қўшаман.

Ёшларимизнинг миллат ва мамлакатнинг буюк келажаги йўлидаги масъулиятли изланишлари бардавомдир. Улар буюк боболаримизнинг ҳақиқий вориси сифатида бутун дунёни ҳали кўп марта лол қолдиришига ишонамиз.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кураш — жаҳон элчиси

кеча дунёнинг 28 мамлакат вакиллари иштирокида Кураш халқаро ассоциацияси таъсис этилганига 12 йил тўлди

Дунё спорт луғати «кураш» атамаси билан бойиди, кураш мусобақаларида ҳалол, ёнбош, тўхта каби ўзбекча сўзлар баралла янграяпти .

Истиқлол туфайли қанотини ёзган кураш юртимизда оммавий спорт турларидан бирига айланди. Республика кураш федерацияси тасарруфида ҳудудий бўлимлар фаолият кўрсата бошлади. Кураш бўйича мунтазам равишда биринчиликлар, халқаро мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Кураш ёш авлоднинг энг оммавий мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ҳозирги кунда Америка, Африка, Европа, Океания ва Осиё Кураш конфедерациялари, улар таркибида 117 давлат кураш федерациялари фаолият кўрсатаяпти. Бу федерациялар мамлакат ва қитъа чемпионатларини ўтказиш билан бир қаторда нуфузли халқаро мусобақалар уюштирмоқда. Айниқса, Буюк Британия, Франция ва Греция ўтказилаётган Ислом Каримов халқаро турнири жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Албатта, КХА томонидан ўтказилган 7 та жаҳон чемпионати миллий спорт туримизнинг кенг оммалашишига замин яратди.

КХА курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш борасида кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Айни пайтда кураш ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинларидан ўрин эгаллади. 2011 йилда бўладиган Африка, Панамерика, 2014 йилда ўтказиладиган Осиё ўйинлари дастурига киритиш бўйича таклифлар билдирилди. Бу борада SPORT/AKKORD ташкилоти билан ҳамкорлик ҳам катта ёрдам бериши кутилмоқда.

Яқинда КХАнинг навбатдаги Ижроқўм йиғилишида миллий спорт туримизни янада тарғиб этиш мақсадида «Кураш — жаҳон элчиси» унвони таъсис этилди. Ҳа, бўлажак кураш элчилари ҳам жаҳонда миллий спортимизнинг равнақ топишига ўз ҳиссаларини қўшишади.

6 сентябрь куни пойтахтимиздаги КХА қароргоҳида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ассосиациянинг ўтган 12 йилда амалга оширган ишлари, яқин йилларда режалаштирилаётган лойиҳалари тўғрисида ахборот берилди.

(Ўз мухбиримиз)



Ҳурматли юртдошлар!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	(8-371) 232-03-30
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-372) 226-03-02
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-436) 223-06-71
Наманган вилояти Ички ишлар бошармаси	(8-369) 226-60-55
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-366) 233-00-00
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-367) 225-33-30
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-362) 226-32-16
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-375) 221-82-45
Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 252-61-39

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси қўмита раисининг ўринбосари **Муҳаммаджон АЧИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Термиз давлат университети

қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Термиз давлат университети спорт мажмуасини электр ёритиш билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи:
қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 204,321 млн.сўм,
қўшилган қиймат солиғисиз — 170,267 млн.сўм.
қурилиш муддати — 60 кун.
Буюртмачи: Сурхондарё вилояти, Термиз давлат университети.
Манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 43-уй. Тел: (8-376) 222-88-19.
Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш университетнинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
7943 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.20
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda